

Абулқосимов Ҳ.П.,

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети «Иқтисодиёт» факультети «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори;

Тожибоева Д..

Тошкент молия институти «Касбий таълим» кафедраси профессори, иқтисод фанлари номзоди

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖИ – ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ГАРОВИ

**АБУЛҚОСИМОВ Ҳ.П., ТОЖИБОЕВА Д. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖИ – ОЗИҚ-ОВҚАТ
ХАВФСИЗЛИГИ ГАРОВИ**

Мақолада озиқ-овқат хавфсизлиги ва унинг мазмуни очиб берилган. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қишлоқ хўжалигининг роли кўрсатилиб, унинг ривожланиши туфайли аҳолининг истеъмол таркиби ўзгариши асослаб берилган. Озиқ-овқат хавфсизлиги хўжалик юритувчи субъектлар хавфсизлиги билан боғлиқлиги ва уни таъминлаш бўйича таклифлар берилган.

Таянч иборалар: озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ хўжалиги, истеъмол, рационал тиббий нормалар, аҳоли.

**АБУЛҚОСИМОВ Ҳ.П., ТОЖИБОЕВА Д. РАЗВИТИЕ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА –
ГАРАНТИЯ ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ**

В статье раскрывается сущность понятия «продовольственная безопасность», анализируются точки зрения различных подходов. Показана роль развития сельского хозяйства в обеспечении продовольственной безопасности и изменения состава потребления населением продуктов питания. Обоснована тесная взаимосвязь обеспечения продовольственной безопасности с безопасностью производственных субъектов сельского хозяйства и приведены соответствующие предложения.

Ключевые слова: продовольственная безопасность, сельское хозяйство, потребление, рациональные медицинские потребительские нормы, население.

**ABULQOSIMOV H.P., TOJIBOEVA D. DEVELOPMENT OF AGRICULTURE AS GUARANTY
OF FOOD-RATION SAFETY**

There is disclosed in the article essence concept of food-ration safety and analyzed different approaches to the definition. There is exhibited role of the agriculture development in providing of the food-ration safety and population food consummation structure changes. There is proved correlation between food-ration safety and of agriculture producers security, and provided some recommendations in that regards.

Keywords: food safety, rural economy, consumption, rational medical consumer norms, the population.

Ҳозирги кунда иқтисодий хавфсизлик борган сари муҳим аҳамият қасб этилоқда. Унинг муҳим ажралиб турувчи жиҳати шундаки, у серқирра, мураккаб, ким, қандай қилиб, сизга хавф солаётганини тезда аниқлашингиз қийин. Ундан ташқари, иқтисодий муаммоларнинг ечими вариантлари кўп. Айни шу вақт ва вазият учун энг тўғрисини танлаш, қарор қабул қилиш қийин. Ноўрин танлов орқали ўзингизни ўзингиз хавф-хатарга солиб қўйишингиз ҳам мумкин.

Ўзининг аҳамияти жиҳатидан озиқ-овқат хавфсизлиги алоҳида хавфсизлик сифатида кўрилса-да, уни ҳам иқтисодий хавфсизликнинг энг муҳим йўналиши сифатида кўриш мумкин.

Озиқ-овқат хавфсизлигининг долзарблиги ортиб борган сари халқаро ташкилотлар ҳам унга тобора кўпроқ диққат қаратишмоқда.

Озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчаси илмий айланмага 1970-йилларнинг охирида БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) томонидан киритилган. Бу тушунчанинг келиб чиқиши глобал зиддият – ривожланган мамлакатларда озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг ортиқчалиги «учинчи дунё» – ривожланаётган мамлакатларда ёп-пасига очарчилик ва тўйиб овқат емаслик ҳукм сураётган пайтга тўғри келади.

Озиқ-овқат таъминотининг деярли доимий беқарорлиги Мальтуснинг ҳосилдорликнинг пасайиб бориши назарияси ёки қишлоқ хўжалигининг табиий шароитлар билан чамбарчас боғлиқлиги, агарар секторнинг етарли даражада ривожланмаганини билан чамбарида балки айрим давлатларнинг иқтисодий тараққиёти даражаси ҳамда аҳоли асосий қисмининг қашшоқлиги сабабли жаҳон бозори нархлари бўйича озиқ-овқат сотиб олишга қурби етмаслиги ҳам муҳим сабаб эканлигига эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги категориясига берилган таърифлар ниҳоятда хилма-хил ифодаланса-да, барчасида энг муҳим жиҳат аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабини қишлоқ хўжалик корхоналари ва озиқ-

овқат саноати етарли, талаб қилинган даражада сифат ва ассортиментда етказиб беришга қодирлиги, истеъмол бозори талаби билан таклиф мувозанати, давлатнинг имкониятига ургу берилади. Бунда биринчидан, халқаро миёсда энг кўп тарқалган таърифда соғлиққа хавфсиз ва етарли дарражадаги озиқ-овқат маҳсулотларига реал ва иқтисодий жиҳатдан истеъмол қилиш имконига диққат қаратилса¹, иккинчидан, ички ва ташқи шарт-шароитлардан қатъи назар, ҳудуд (ҳудудий иттифоқ, давлат, минтақа) аҳоли сонининг ўсиши, шахснинг жисмоний ва ижтимоий жиҳатдан камол топиши, ҳаёт кечиришни таъминлаш учун зарур миқдор, сифат ва ассортиментда озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжни қондириш ҳамда бунинг учун мувофиқ равишда ресурслар, салоҳият, кафолатга эга бўлишга эътибор берилади². Яна бошқа бир таърифда унинг кенг ва чуқур қамровли тушунча экани, кенг доирадаги, яъни санитар-эпидемиологик нормалардан тортиб генетик ресурсларни сақлашгача бўлган муаммоларни қамраб олиши, бундан ташқари агарар соҳада уларни етиштиришдан бошлаб, аҳоли дастурхонигача бўлган занжирнинг ҳар бир босқичида истеъмолчининг соғлиги ва хотиржамлигини сақлаш асосий ўрин тутиши таъкидланади³.

¹ Внешняя торговля РФ: Учеб. пособие (Гриф УМО РФ). / Под ред. В.Н.Бурмистрова. – М.: «Юристъ», 2001. -Ч. 56; <http://www.nirsi.ru/57>

² Экономическая безопасность: теория, методология, практика. / Под науч. ред. д.э.н., проф. акад. П.Г.Никитенко; д.э.н. В.Г. Булавко. – Минск: «Право и экономика». 2009. -С. 163.; <http://geopolitics.by/analytcs/prodovolstvennaya-bezopasnost>

³ http://www.oagb.ru/lib.php?txt_id=7963

FAO – Бирлашган миллатлар озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг Озиқ-овқат хафвсизлиги концепциясида қўйидагилар алоҳида ажратиб кўрсатилган:

- озиқ-овқат хавфсизлиги ўзини ўзи озиқ-овқат билан таъминлаш эмас;

- мамлакат ўз эҳтиёжлари учун етарли даражада маҳсулот ишлаб чиқариши зарур, агар унда қиёсий устунликка эга бўлса;

- мамлакат ўз аҳолиси эҳтиёжи учун зарур миқдорда импорт қилиш имконига эга бўлиши зарур;

- ҳукумат соғлиққа зиён етказмайдиган, хавфсиз озиқ-овқат маҳсулоти билан табиий ва иқтисодий жиҳатдан таъминлаши зарурлиги¹.

Мазкур ташкилот озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича тўрт йўналишда кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқсан².

1. Маҳсулотнинг реал мавжудлиги (ишлаб чиқариш ҳажми, ҳосилдорлик/маҳсулдорлик, захира ҳажми, йўқотишлар ва бошқа иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланилади).

2. Озиқ-овқатни олиш имконияти (аҳоли даромадининг эришилган даражасида озиқ-овқатни сотиб олиш имконияти, уларни ташиш учун йўлларнинг мавжудлиги ва б.).

¹ Курбанова Г. Обзор продовольственной безопасности в Евразийском регионе. Материалы круглого стола «Развитие Евразийской интеграции и торговли в целях обеспечения устойчивости сельского хозяйства и продовольственной безопасности», Евразийская экономическая комиссия, Москва, 2013 год 12 сентября [Kurbanova G.(2013). Overview of food security in the Eurasian region. Proceedings of the roundtable «Development of the Eurasian integration and trade in order to use the sustainability of agriculture and food security», Eurasian Economic Commission, Moscow, September 12. (In Russian).]; <http://www.fao.org/docrep/019/i3434r/i3434r.pdf>. [FAO (2013). The state of food insecurity in the world. The multiple dimensions of food security. Rome.<http://www.fao.org/docrep/018/i3434e/i3434e.pdf>.

² FAO (2013). Положение дел в связи с отсутствием продовольственной безопасности в мире. Множественные проявления продовольственной безопасности. Рим.<http://www.fao.org/docrep/019/i3434r/i3434r.pdf>. [FAO (2013). The state of food insecurity in the world. The multiple dimensions of food security. Rome. <http://www.fao.org/docrep/018/i3434e/i3434e.pdf>.]

3. Озиқ-овқат билан таъминланганликнинг барқарорлиги (турли даврларда зарур даражада озиқ-овқат етарлилиги, нархларнинг ўзгариши, табиий оғатлар ва б.).

4. Озиқ-овқат истеъмоли (озиқ-овқатнинг организм учун аҳамияти нуқтаи назаридан белгиланган тиббий нормалар: озиқ-овқатнинг калорияси, оқсил, микроэлементларга бойлиги ва ҳ.к.).

Албатта барча мамлакатларда озиқ-овқат хавфсизлиги мониторинги шу ва бошқа кўрсаткичлар орқали олиб борилади.

Бу ерда «жамиятнинг озиқ-овқат билан таъминланиши» ва «озиқ-овқат хавфсизлиги» тушунчаларини бир-биридан фарқлашга аҳамият бериш керак. Биринчи тушунча давлатнинг жамият аъзоларини экологик жиҳатдан талабга жавоб берувчи озиқ-овқат маҳсулотлари билан нафақат ўзи оқилона ва етарли миқдорда таъминлаши, балки ҳалқаро ҳамкорлик ва кўмакнинг ағзалларидан ҳам фаол фойдаланиш орқали таъминлаши назарда тутилса, «озиқ-овқат хавфсизлиги» мамлакатнинг **ӯз ресурслари** ёрдамида аҳолисини илмий асосланган нормалар бўйича озиқ-овқатга бўлган жорий ва фавқулодда эҳтиёжларини қондириш имкониятини билдиради.

Одатда мамлакат асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг 80 фоиздан кам бўлмаган миқдорини ўзи ишлаб чиқарса, «озиқ-овқат хавфсизлиги»га эришган саналади. Бу озиқ-овқат хавфсизлиги кўрсаткичи тиббий нормалар асосида ҳисобланган бошланғич «остонавий» (пороговый) миқдор ҳисобланади.

Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аҳоли учун энг зарур маҳсулотларнинг ўзида ишлаб чиқарилиши муҳим аҳамиятга эга. Кенг маънода айтганда, бу давлатнинг озиқ-овқат сиёсати, шунингдек, аграр сиёсати, унинг стратегиясини белгилайди. У самарали хўжалик юритиш, аграр соҳанинг динамик тарзда ривожланиши, унинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш билан белгиланади.

1-жадвал. Аҳолининг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли динамикаси (киши, кг)

	Рационал тиббий меъёрлар, кг	Йиллар				2015 йили, нисбатан, %да	
		1990	2000	2009	2015	1990 йилга	РТМ га
Нон ва нон маҳсулотлари	161,3	170	167	165	161	94,7	100
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	83,9	32	34	35	54,8	170,2	53,4
Сут ва сут маҳсулотлари	182,5	210	162	243	315	150,0	172,8
Тухум (дона)	305	117	47	92	165	140,0	54,1
Савзавот ва полиз маҳсулотлари	176,9	107	128	236,8	278,2	260,0	157,3
Картошка	63,9	39	36	41	85,1	216,2	133,2
Мевалар (узум ҳам қўшилган)	113,1	40,1	42	74	144,4	360,0	122,8
Ўсимлик мойи ва бошқа ёғлар	13,5	12,6	11	13	13,5	107,5	100,0
Шакар	32,3	11	16	17,4	18,4	167,3	57,0

Энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини аниқлашда аҳолининг тўғридан-тўғри истеъмол ва қайта ишлаш орқали истеъмол қилиш миқдори, экспорт ҳамда импорт даражасига диққат қаратиш лозим. Бунда мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқариш, экспорт ҳамда импорт коэффициентини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатда ички истеъмол хавфсизлик миқдорини белгилашда илмий-биологик нормативлар, зарур захира фонди ҳажмидан келиб чиқиб аниқланади. Бунда биологик ва экологик хавфсизлик нафақат иқтисодий, балки соғлиққа таъсири нуқтаи назаридан ёндашиш керак. Бу ўз навбатида истеъмол бозори ривожининг стратегиясини ҳам белгилайди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида вазият қай даражада эканлигига баҳо берувчи умумлаштирувчи кўрсаткични уч асосий мезонлар бўйича аниқлашимиз мумкин:

- энг зарур қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (нон ва нон маҳсулотлари, картошка, сабзавот, сут ва сут маҳсулотлари, тухум, гўшт) тиббий нормативларига кўра истеъмол қилиш даражаси;
- истеъмолнинг мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган асосий маҳсулотлар билан таъминланганлик даражаси.
- озиқ-овқат маҳсулотлари импорти, экспорти даражаси.

Мамлакатимизда энг асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари истеъмоли 25 йил давомида 1-жадвалдаги каби ўзгарди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиширишнинг барқарор ўсиши туфайли мамлакатимиз аҳолисининг 2015 йили 1990 йилга нисбатан 10 миллион кишидан зиёд ёки 30 фоиздан ортиқ кўпайишига қарамасдан, жадвал маълумотлари кўрсатиб турибди, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолининг ҳам барқарор ўсишини таъминлашга олиб келди. Жон бошига гўшт истеъмолини 1,7 баробар, сут ва сут маҳсулотларини 1,5 марта, картошкани 2 мартадан зиёд, сабзавот ва полиз маҳсулотларини 2,6 мартадан кўп, мева ва узум истеъмолини 3,6 баробар ошириш имконини берди. Бу ўз навбатида рационал тиббий меъёр талабининг ҳам ошириб бажарилишига олиб келди. Фақат ҳозирча гўшт ва гўшт маҳсулотлари, тухум, шакар бўйича бу меъёр ярмидан ортиқроқ бажарилган. Шакар истеъмолини бу рўйхатга қўшмаса ҳам бўлади. Чунки узум, мевалардаги қатор табиий моддалар шакарнинг ўрнини босибгина қолмай, соғлиқ учун шакардан фойдалироқ ҳисобланади.

Демак, келгусида асосий диққат гўшт ва тухум етиширишни кўпайтиришга қаратилиши даркор.

Истеъмол таркибининг бундай ўзгариши, айниқса, сервитамин сабзавот-мева истеъмодида молия / ЭКОНОМИКА И ФИНАНСЫ 2016, 10

2-жадвал. Аҳоли жон бошига асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш (кг.)

	Йиллар						2015 йил, 1991 йилга нисбатан, %да
	1991	1995	2000	2005	2010	2015	
Пахта хом ашёси	225,4	175,1	122,6	106,5	121,5	108,3	48,0
Буғдой	92,6	138,6	167,4	251,3	267,9	263,5	284,5
Картошка	17,0	18,6	29,8	29,1	60,5	86,9	511,2
Сабзавотлар	152,4	120,8	107,6	126,8	226,4	328,4	215,5
Мева ва резавор мева	25,0	26,8	32,3	29,1	67,0	88,5	354,0
Узум	23,3	27,6	25,5	15,4	35,2	50,9	218,4
Полиз	44,9	20,9	18,9	22,4	42,2	59,7	132,9
Гўшт (тирик вазнда)	33,9	37,9	34,3	35,9	52,1	61,4	181,1
Сут	161,6	163,1	148,3	154,9	220,3	271,8	168,2
Тухум (млн. дона)	114	55	51	46	123	159	139,4

молининг кўпайиши юртимизда аҳоли соғлиғининг яхшиланиши ва умри узайишига олиб келди.

Республикамизда истеъмол таркиби ва миқдорининг ижобий ўзгаришларига, бир томондан, экин майдонлари таркибини тубдан ўзгартириш, пахта яккаҳокимлигини бартараф қилиш, иккинчи томондан, ҳосилдорликнинг ортиши эвазига эришилди. Натижада умумий экин майдони миқдори ўзгармагани ҳолда юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, аҳоли сони ортишига қарамай жон бошига ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг барқарор ўсиши ва озиқ-овқат хавфизлигини тўла таъминлашга эришилди.

1990-2015 йилларда аҳоли жон бошига пахта хом ашёси ишлаб чиқариш 225,4 кг дан 108,3 кг га тушган бўлса, бошқа барча турдаги маҳсулотлар (тухум) 139,4 %гача, картошка 511,2%гача ўсади.

Дунё ҳамжамияти қишлоқ хўжалигини ривожлантириш орқали камбағал аҳоли, айниқса, қашшоқлар ва тўйиб овқат ейиш имкони йўқларнинг сонини қисқартириш учун қилган ҳаракатлари туфайли уларнинг сони бирмунча камайишига қарамай, ҳозирги кунда бу масала янада долзарблашгани, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда дунёда 840 миллиондан

ортиқ киши тўйиб овқатланмаётгани, сайёрамиз аҳолисининг 30 фоизидан кўпроғи тўлақонли равишда овқатланмаслик, энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосини бошидан кечираётганини ҳисобга оладиган бўлсак, эришган ютуқларимиз нақадар улканлигини ҳис этишимиз мумкин.

Айниқса, 2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфизлигини таъминлаш соҳасида **Мингийиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилиши** биз учун ниҳоятда қувончли, танлаган йўлимиз нақадар тўғри эканлигини исботловчи далилдир.

Озиқ-овқат маҳсулотлари импорти ва экспортiga келадиган бўлсак, агар 1990 йили мамлакатимизда озиқ-овқат экспорти жами экспорт товарларининг атиги 3,9%ини ташкил қилган бўлса, 2015 йилга келиб 10,2%га етди. Импорт эса 10,8%ни ташкил этди. Ҳар қандай жамиятнинг моддий асосини минглаб хўжалик юритувчи субъектлар ташкил этади. Шунинг учун мамлакатда мавжуд муаммоларни ҳал этиш, муваффақиятли, тўлақонли ва самарали иқтисодий фаолият юритиш кўп жиҳатдан ана шу

субъектларга боғлиқ. Демак, мамлакат иқтисодиёти хавфсизлиги шу хўжалик юритувчи субъектлар хавфсизлиги билан боғлиқ.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий эркин, ўзлари иқтисодий сиёсатларини ўзлари белгилаб, маҳсулот ишлаб чиқариш учун буюртмаларни ўзлари шакллантириб, ишлаб чиқариш ва маҳсулот реализациясини ўзлари амалга ошириб, хўжалик юритиш фаолиятига тўлиқ ўзлари жавобгар эканлар, буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, тадбиркорлик хавфсизлигини таъминлаш масалалари долзарблигини оширади.

Агар бошқа тармоқларда корхоналар хавфсизлигини профессионаллар ёрдамида таъминлаш имкони катта бўлса, қишлоқ хўжалигида эса тармоқнинг ўзига хос хусусиятларига кўра дехқон ва фермер хўжаликларининг ўзлари зиммаларида бўлади.

Яна алоҳида диққат қаратилиши лозим бўлган қатор муҳим хусусиятлар дехқон ва фермер хўжаликларининг хавфсизлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди:

а) табиий-иқлим шароитлари билан чамбарчас боғлиқлик;

б) нархнинг таклифга нисбатан ҳам, талабга нисбатан ҳам ноэластиклиги;

в) унинг мавсумий ва биологик характеристлари;

г) жуда кўп маҳсулот турларини узоқ сақлаб бўлмаслиги ёки сақлаш харажатларининг юқорилиги;

д) фаолият жараёни кўп жиҳатдан шартномалар ва уларнинг кўрсатилган муддатда бажарилиши ва бошқалар билан боғлиқлиги.

Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигида ҳуқуқий тизим ва унинг ишлаши, хусусан шартномаларнинг бажарилиши, модернизация ва диверсификация, суғурта қилиш ва бошқалар бошқа тармоқларга қараганда ҳам ўзининг аҳамияти ва салмоғи билан ажralиб туради.

Мамлакатнинг озиқ-оқат хавфсизлиги қишлоқ хўжалиги ва унда фаолият юритувчи дехқон ва фермер хўжаликлири хавфсизлиги билан боғлиқ ва ҳал қилувчи роль ўйнар экан, бу йўналишда келгусида чуқур тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. «Ўзбекистонда Озиқ-оқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидағи нутқи. // «Халқ сўзи» газетаси, 2014 йил 6 сентябрь.
2. Внешняя торговля РФ: учеб. пособие (Гриф УМО РФ). / Под ред. В.Н.Бурмистрова. – М.: «Юристъ», 2001.
3. Экономическая безопасность: теория, методология, практика. / Под науч. ред. д.э.н., проф, акад. П.Г.Никитенко; д.э.н. В.Г.Булавко. – Минск: «Право и экономика». 2009.
4. Шагайда Н., Узун В. Продовольственная безопасность: проблемы, оценки. // «Вопросы экономики», 2015, № 5. -С. 63—78.
5. Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. – Т.: «Академия», 2012.
6. <http://www.nirsi.ru/57>
7. <http://geopolitics.by/analytics/prodovolstvennaya-bezopasnost>
8. http://www.oagb.ru/lib.php?txt_id=7963

9. Курбанова Г. Обзор продовольственной безопасности в Евразийском регионе. Материалы круглого стола «Развитие Евразийской интеграции и торговли в целях обеспечения устойчивости сельского хозяйства и продовольственной безопасности», Евразийская экономическая комиссия, Москва, 2013 год 12 сентября [Kurbanova G.(2013). Overview of food security in the Eurasian region. Proceedings of the roundtable «Development of the Eurasian integration and trade in order to ensure the sustainability of agriculture and food security», Eurasian Economic Commission; Moscow, September 12. (In Russian).]

10. ФАО (2013). Положение дел в связи с отсутствием продовольственной безопасности в мире. Множественные проявления продовольственной безопасности. Рим. <http://www.fao.org/docrep/019/i3434r/i3434r.pdf>. [FAO (2013). The state of food insecurity in the world. The multiple dimensions of food security. Rome. <http://www.fao.org/docrep/018/i3434e/i3434e.pdf>.]